МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИНИНГ БОЙИШ МАНБАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

К.Ж.УМАРОВ

Мақола мустақиллик йилларида ўзбек тили лексикасининг бойиш манбаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Муаллиф "Ўзбек тили изоҳли луғати"нинг 1981 йилда чоп этилган 2 жилдлиги билан 2007-2010 йилларда чоп этилган 5 жилдлик нашрларини қиёсий ўрганиб, тилимизнинг лексик таркибидаги ўзгаришларнинг статистик таҳлилини тақдим этган.

***Калит сўзлар**: тил сиёсати, луғат таркиби, неологизмлар, историзмлар, архаизмлар, диалектизмлар, этнонимлар, глобаллашув.*

Статья посвящена исследованию факторов обогащения лексического состава узбекского языка в годы независисмости. Автор на основе сопоставления "Толкового словаря узбекского языка" в двух томах (1981) с "Толковым словарем узбекского языка" в пяти томах (2007-2010) представил статистический анализ изменений в лексическом составе языка.

***Ключевые слова**: языковая политика, словарный состав, неологизмы, историзмы, архаизмы, диалектизмы, этнонимы, глобализация.*

The article is devoted to the study of the principles of enriching the word-stock of the Uzbek language. Comparing two version of the 'Dictionary of the Uzbek language' (the 5-volume versions of 19810 and 2007-2010 versions) the author tries to show the main principles of enriching the Uzbek word-stock and provides the statistical data.

***Key words:** language policy, word-stock, neologisms, historisms, archaisms, dialectisms, ethnonyms, globalization.*

Тил инсонлар онгида моҳият сифатида яшар экан, ҳар бир индивид нутқида воқеланиб, жамиятда ижтимоий муносабатларни рўёбга чиқарувчи асосий омил саналади. Шундай экан, тил жамият билан, унинг кечаси, бугуни, эртаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жамиятдаги ҳар қандай ўзгариш, ижтимоий тараққиёт бевосита тилда ҳам ўз аксини топади. Тилнинг тараққиёти жамият тараққиётига боғлиқдир. Унинг ривожланиш даражаси инсон тафаккурининг савиясига, тараққиёти даражасига мос келиши шарт, шу билан бирга иккаласининг ривожланишидаги тенденция, инсоният жамияти тараққиёти даражаси ва асосий ривожланиш тенденциялари билан белгиланади [1.4]. Дарҳақиқат, тил ўзининг серқирра табиати билан жамият ҳаётида турли-туман вазифаларни бажаради, айни пайтда ўзи ҳам ривожланиб, сайқалланиб, кераксиз ва эскирган унсурлардан тозаланиб бораверади.

Тилнинг тараққиёт қонуниятлари ижтимоий борлиқнинг объектив қонуниятлари билан белгиланади. У тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб, бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама ассоциатив алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда бўлиб турадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислоҳотлар тилнинг луғат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг юзага келишини, айни пайтда маълум сўз-лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади. Бу жараён тилнинг луғат бойлигида историзм, архаизм ва неологизм каби лексик бирликларни юзага келтиради [2.204].

Юзаки қараганда, фонетика ва грамматика соҳасидаги тараққиёт қонуниятлари ва уларда рўй берадиган ўзгаришлар билан жамиятда рўй берадиган ўзгаришлар ўртасида ҳеч қандай алоқа йўқдек кўринади. Аммо масалага чуқурроқ ёндашилса, бундай алоқани аниқлаш мумкин бўлади. Гап шундаки, жамиятда бўлган ўзгаришлар тилнинг бутун соҳаларига бир вақтнинг ўзида ва бир хил таъсир этмайди. Бу таъсир, аввало, тилнинг лексик қатламида кўринади, лексик қатлам орқали тилнинг бошқа соҳаларига – фонетикасига, морфологиясига таъсир этади.

Сўнги йилларда юртимиз ҳаётида рўй бераётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар жамият тараққиётининг барча соҳаларида туб ўзгаришлар ясади. Бундай ўзгаришлар, албатта, тилимиз тараққиётига ҳам ижобий таъсирини ўтказди. Мамлакатимиз мустақилликка эришуви арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида тил сиёсатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши, Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши, қонун моддаларида қайд этилган йўл-йўриқ ва вазифалар ўзбек тили тараққиётида янги даврни бошлаб берди. Биринчидан, ўзбек тили "тўра" тилларнинг таъсиридан қутулди ва мустақил тарзда ўзига хос тараққиёт эволюцияси асосида ривожлана бошлади. Иккинчидан, миллий истиқлол мафкураси билан узвий боғлиқ ҳолда она тилимиз тарихий илдизларидан узоқлашмаган ҳолда динамик тараққиёт йўлига ўтди. Тил тараққиёти жараёнида унинг ўз ички имкониятлари асосида ривожланиши қонуни тўла, эркин амал қила бошлади. Учинчидан, республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан алоқаларнинг кучайиб бораётганги қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди.

Тилимиздаги бундай ўзгаришларни кўриш учун унинг луғат таркибини текшириш кифоя.

Бунга биргина мисол қилиб, 1981 йилда чоп этилган икки жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [3] билан 2006-2008 йилларда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари томонидан (Э.Бегматов, А.Мадвалиев, Н.Маҳкамов, Т.Мирзаев (раҳбар), Н.Тўхлиев, Э.Умаров, Д. Худойберганова, А. Ҳожиев,) нашрга тайёрланиб чоп этилган беш жилддан иборат “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” [4] ни бирма-бир солиштирганимизда она тилимиз бу қисқа давр ичида ўзининг ички имкониятлари эвазига ҳамда ташқи омилларнинг таъсирида жуда кўплаб сўз ва сўз бирикмалари билан бойиганининг гувоҳи бўламиз. Бунда фақатгина сўзлар миқдори кўпайибгина қолмасдан, миллий менталитетимиз, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ўзида акс эттирган жуда кўплаб луғавий бирликлар мустақиллик мафкураси нуқтаи назаридан қайтадан изоҳланди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мафкуравий тазйиқлар ҳамда атеистик ва марксистик таълимотлар билан боғлиқ бўлган сунъий тўсиқлар 1981 йилда нашр этилган “ЎТИЛ” нинг фактографик базасига ва вокабуланинг шарҳланишига ўз салбий таъсирини кўрсатган. (Буни ҳатто луғатнинг Ўзбекситонда эмас, балки Москвада “Русский язык” нашриётида чоп этилганлиги ҳам тасдиқлайди.) Бу шуни англатадики, мазкур луғат кучли мафкуравий назорат ва цензура остида нашр юзини кўрган [5]. Бироқ, кўп миқдордаги сўзлар аслида ўзбек адабий тилининг “тилла сандиғи”да азалдан мавжуд бўлган, аммо ўша давр мафкураси ва шовинистик сиёсати таъсири остида луғатда қайд этилмай қолганини назарда тутган ҳолда хулоса чиқаришимиз лозим. Бунда миллий менталитетимиз ва минг йиллик маданиятимизу маънавиятимизнинг мағзи-моҳиятини тайин этадиган жуда кўп тушунчаларни ифодалайдиган, масалан: *Аллоҳ, Раҳмон, Одамато, Момоҳаво, Расулуллоҳ, иймон, азиз-авлиё, фариштали, саҳиҳ, ширк, ажр, савобталаб, дуоталаб, чилёсин, нақшбанд, тариқат* каби диний эътиқодларимиз билан боғлиқ сўзлар; *юртбоши, ворисийлик, давлатмандлик, жаннатмакон, зиёкор, маънавият, маърифатли, миллатпарвар, юксалиш, панднома, қадрият, меҳмоннавоз, хайр-эҳсон* каби миллий қадриятларимизнинг ўзаги бўлган мана шундай бир қанча сўзларга мазкур изоҳли луғатдан жой топилмаган. Албатта, бу ҳол луғат тузувчилар илмий салоҳиятининг кемтиклиги эмас, балки миллий ўзлик идрокини ўстирмаслик пайида бўлган, миллий маънавият мувозанатини бузишга йўналтирилган, бутун ҳудудларда ягона бир имтиёзли тилни жорий этишни ҳаёл қилган сохта сиёсатнинг натижаси экани бугун сир эмас [6.38-39]. Демак, янги изоҳли луғатда қайд этилган кўпчилик сўзлар ва уларнинг маънолари биринчи тажрибада олимлар томонидан аниқланган, лекин юқорида кўрсатилган жиҳатлар билан боғлиқ тарзда улар мажбурий “тушириб қолдирилган”. Истиқлол туфайли ўзбек тилидаги жуда кўп сўзлар ўзининг ҳақиқий изоҳига ва талқинига эга бўлди.

Шунингдек, маълум миқдордаги мустақиллик даврида ички имкониятлар асосида юзага келган лексик бирликлар ҳам луғатда ўз ифодасини топган. Юқорида таъкидлаганимиздек, тил тараққиётидаги асосий ва етакчи омил ҳар бир тилнинг ўз ички қонунларининг узлуксиз иш кўришидир. Бунда адабий тил, сўзлашув тили, бадиий тил каби тилнинг яшаш шакллари, диалектизмлар, шевага хос сўзлар, касб-ҳунарга оид атамалар, историзм, архаизм, халқ оғзаки ижодига оид сўзлар, этнонимлар ҳамда миллий менталитетга хос анъаналар, урф-одатлар, диний эътиқод ва қадриятларга оид лексик қатламлар фаол қатнашади. Бу қисқа вақт ичида она тилимизнинг сўз бойлиги ана шундай ички имкониятлари туфайли эски изоҳли луғатга нисбатан 7 % га ўсганлигини; тилимизда аввалдан мавжуд бўлган, лекин луғатга кирмай қолган сўзлар миқдори эса 39 % ни ташкил этганини кўрамиз.

Тил тараққиётидаги навбатдаги омил ташқи (экстралингвистик) омиллар бўлиб, истиқлолга эришганимиздан сўнг республикамиз ҳаётининг барча соҳаларида юз бераётган катта ўзгаришлар, глобаллашув, иқтисодий интеграция, бошқа давлатлар билан изчил олиб борилаётган халқаро алоқалар ва дипломатик муносабатлар, ривожланган жуда кўп мамлакатлар билан ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларнинг кучайиб бораётганлиги бу қисқа вақт мобайнида ўзбек тили, хусусан, унинг лексикаси ривожига сезиларли таъсир кўрсатди. Жумладан, иқтисод, сиёсат, спорт, санъат, маданиятга ҳамда саноат ишлаб-чиқаришнинг турли соҳаларига оид атама ва терминлар 16 % га; медицина ва табиий фанларнинг ривожланиши натижасида бу соҳаларга оид сўзлар 14 % га; фан техника ютуқларига дахлдор атамалар ҳамда ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги атама ва терминлар 11 % га ўсганини кўрамиз. Экстралингвистик омиллар ҳисобига ўзбек тили лексикасининг бойиши асосан терминология ҳисобига юз берганини таъкидлаш жоиз.

Мустақиллик йилларида ўзбек тили лексикасининг бойиш кўрсаткичлари

Ички имкониятлар эвазига	адабий тилда мавжуд бўлган, лекин мафкуравий тўсиқлар туфайли луғатда қайд этилмай қолган сўзлар	39 %
	ички имкониятлар асосида бойиган сўзлар	7 %
	Диалектизмлар	7 %
	сўзлашув услубига оид сўзлар	6 %
Ташқи омилларнинг таъсири туфайли	иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий терминлар	16 %
	медицинага оид ва табиий фанлар терминлари	14 %
	илмий-техникавий терминлар	11 %

Чунончи, тилимиз минг йиллик тарихга эга экан, Ўрта Осиёдаги турли тарихий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хусусан, араблар, мўғуллар, ва руслар истилоси, қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари билан иқтисодий, ижтимоий, географик қўшничилик муносабатлари ва улар ўртасидаги билингвизм, субстрат, адстрат, суперстрат каби омиллар ҳам ўзбек тили тараққиётига жиддий таъсир ўтказган. Шу нуқтаи назардан қараганимизда, тилимизнинг ички манбалари асосида шаклланган сўзларнинг аксарияти арабча, форсча, тожикча этимологияга бориб тақалиши маълум бўлади. Кейинги вақтларда тилимизнинг луғат бойлигидан ўрин олган иқтисод, сиёсат, спорт, саноат ва ишлаб-чиқаришнинг турли соҳаларига оид атама ва терминлар инглиз, француз, немис, рус ва қисман бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардир. Табиий фанлар: кимё, биология, зоология, ботаника, каби фанларда ҳамда тиббиётга оид атама ва терминлар асосан юнон ва лотин тилидан ўзлашган сўзлар экани кузатилади.

Луғатларни бир-бирига таққослаш жараёнида яна шу нарса маълум бўлдики, тил тараққиёти биргина лексик сатҳда эмас, балки, морфологик сатҳда ҳам оз бўлса-да ижобий силжишлар борлигини кўрсатди. Яъни янги лексик бирликларнинг ҳосил қилинишида айрим морфемаларнинг фаол иштироки ва самарадорлиги юқори эканлиги кўзга ташланади. Айниқса, **-лик, -чилик, -шунос, -чи, -хона, -нома, бе-** каби морфемалар сўз ясалиши жараёнида сермаҳсул қўшимчалар сифатида намоён бўлади. Масалан:

– шунос: *ҳадисшунос, достоншунос, доришунос, қадимшунос;*

– лик: *бағрикенглик, бунёдкорлик, маърифатпарварлик, жарроҳлик, инсонийлик, дуохонлик, тақводорлик, бобуршунослик, ватанфурушлик;*

– чи: *оғриқсизлантирувчи, даволовчи, даволанувчи, ишюритувчи, зардўзчи;*

– чилик: *қуда-андачилик, инсонгарчилик, гулчилик, гиламчилик, хужжатчилик;*

– хона: *ижодхона, давлатхона, азахона, ибратхона;*

– нома*: ахборотнома, билдиришнома, буюртманома, одобнома, панднома, раҳматнома, сўровнома;*

бе- : *бекенгаш, беписанд, бемакон, бенамоз, беимон, беинтиҳо ва ҳ.к.*

Юқоридагилар икки луғатни солиштириш асосида олинган айрим далиллар, холос. Шундай экан, бу луғатлар ҳам тараққиётнинг маълум поғонасида яратилган, уларда ўша давр тафаккури тараққиётининггина тилдаги акс этиши кўрсатилган. Янги “ЎТИЛ” ҳам нашр юзини кўрганига бир неча йил бўлиб қолди. Зеро, бугунги кунда жамият тараққиёти сония сайин ривожланиб бораётган бир пайтда тилимиздаги ўзгаришлар ҳам шунга монанд равишда ўсиб, тараққий этиб бораётгани шубҳасиздир. Кейинги пайтларда ўзбек тилшунослигида “семантик майдон” йўналишидаги тадқиқотлар, идеографик луғат яратиш тамойиллари хусусидаги илмий қарашлар, бошқа тилларда яратилган тезаурус луғатлар тажрибаларини ҳам эътиборга олиш ўзбек лексикогрфиясининг олдида турган долзарб вазифалардандир. Шундай экан, яқин келажакда ўзбек тилининг мукаммал изоҳли луғати тузиладиган бўлса, унга тараққиётнинг барча соҳаларига оид сўзлар ҳамда мумтоз адабиётимизда қўлланилган дурдона сўзлар ҳам киритилса, луғат бойлигимиз 150 минг сўздан ҳам ортиқ эканлиги ўз исботини топади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? – Т., Фан, 1972
2. Жамолхонов Ҳ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: Талқин, 2005

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки жилдли, – М.: Русский язык, 1981

4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли, – Т., Ўзбекистон Миллий энцикопедияси, 2006, I – II жилдлар; 2007, III-жилд; 2008, IV – V жилдлар

5. Нурмонов А., Собиров А. Ўзбек тилининг изоҳли луғати // *Ўзбекистон овози. – 2009. – 16 апрель*

6. Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Т., 2012

Андижон давлат университети,
2013 йил 24 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)